

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №П/8

2022 й. «9» 9

52-5-210-ОВ/2022-  
сон

ш.

“Фозгон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси” (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **М.Қодиров** иккинчи томондан, “АШРАФ” хусусий корхонаси (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А.Асомов** мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

**1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:**

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилиши (таъмирланиши)га ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш (таъмирлаш) майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш (таъмирлаш) майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтнчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтнчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

**2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Фозгон шаҳар Тумар МФЙ Амир Темур кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш таъмирлашишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.**

Ушбу шартнома etender.uzex.uz ахборот тизимининг 2022 йил 9 сентябрдаги лот №22110012144979 ва № 144979 -сонли баённига асосан тузилди.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

**3. Ушбу шартнома etender.uzex.uz ахборот тизимининг 2022 йил 9 сентябрдаги лот №22110012144979 ва № 144979 -сонли баённига асосан **434 000 000 (Тўрт юз ўттиз тўрт миллион )** сўмга тузилди.**

**4.** Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш (таъмирлаш) қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши (таъмирланиши) бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

**5.** Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**6.** Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**7.** Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш (таъмирлаш) майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш (таъмирлаш) майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**8.** Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**9.** Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш (таъмирлаш) майдонини объект қурилиши (таъмирланиши) ва қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни түлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

**10.** Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс түлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

**11.** Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилиш (таъмирлаш)нинг давом этиш вақти 90 (туксон) кун ва бажариш жадвали илова қилинади.

**12.** Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

**13.** Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи аванс толовни амалга оширади.

**14.** Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

**15.** Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

**16.** Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўз вакилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

**17.** Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

- Техник назоратчи қурилишда аниқланган камчиликларни камчиликлар дафтарига қайд этади ва Пудратчи тамонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш чорасини кўради.

**18.** Пудратчи техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

**19.** Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

**20.** Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**21.** Қурилиш (таъмирлаш) майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

**22.** Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш (таъмирлаш) ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

**23.** Буюртмачи қурилиш (таъмирлаш) майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш (таъмирлаш) майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

**24.** Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг түгри ва зарур тарзда белгилениши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги түгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараённан амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

**25.** Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландниклар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига топширади.

**26.** Курилиш (таъмирлаш) майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұқталаридан янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

**27.** Пудратчи ўзи томонидан курилиш (таъмирлаш)да қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

**28.** Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг "Йўлқурилиш ишларини назорат қилиш" инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

**29.** Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг "Йўлқурилиш ишларини назорат қилиш" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

**30.** Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

**31.** Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнgra эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг қурилиш (таъмирлаш) сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

**32.** Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш (таъмирлаш) қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун ўз ҳисобидан келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

**33.** Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидирали ва озода саклайди, қурилиш (таъмирлаш) даврида майдондан қурилиш (таъмирлаш) ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

**34.** Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва холатлар (ишларнинг

бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан бөглиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш (таъмирлаш)ни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачининг вакили техник назоратчи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

**35.** Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш (таъмирлаш) тугаллангунгача ва қурилиши (таъмири) тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш (таъмирлаш) майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

**36.** Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равиша узайтирилади.

**37.** Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

**38.** Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. ҚУРИЛИШИ (ТАЪМИРИ) ТУГАЛЛАНГАН ОБЬЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

**39.** Курилиши (таъмири) тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши (таъмири) тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг қоидаларига биноан амалга оширилади.

**40.** Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўгрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

**41.** Пудратчи қурилиши (таъмири) тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан

5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равиша тасдиқлаши керак.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

### **42. Пудратчи:**

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоийха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш (таъмирлаш) учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

**43.** Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши (таъмири) тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 3 ой этиб белгиланади.

**44.** Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

**45.** Пудратчи нуқсонлар ва тўла бажарилмаган ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Йўлқурилиш ишларини назорат қилиш" инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

#### **46.** Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилиш (таъмирлаш)нинг бошланиши Буюртмачига bogлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

#### **47.** Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига bogлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

**48.** Обеъкта шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш (таъмирлаш) бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

**49.** Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга сабаблари кўрсатилган ёзма билдиришнома юборади.

**50.** Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

**51.** Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРИГИ**

**52.** Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

**53.** Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг

0,5фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

**54.** Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

**55.** Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

**56.** Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

**57.** Коррупциявий ҳолатлар ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги лозим.

**58.** Тамонлар шартномадаги бандларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун хужжатларида муофик жавобгар хисобланади.

#### **XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

**59.** Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Навоий вилоят иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

**60.** Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчι томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

**61.** Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий ҳисобланади.

**62.** Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

**63.** Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш (таъмирлаш) майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш (таъмирлаш) майдонини озод қилиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашини кечикитиришга ҳаклидир.

**64.** Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

**65.** Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

**66.** Шартнома Газначилик бошқармаси (бўлинмалари) рўйхатга олингандан сўнг юридик кучга эга бўлади ва 31 декабр 2022 йилгача амал қиласи.

#### Томонларнинг манзиллари:

##### “БУЮРТМАЧИ”

###### Гозғон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси

Гозғон шаҳар Тумар МФЙ А.Темур 1-уй

Тел:/факс: 90-665-66-66

x/r: 100022860124127045201110002

Марказий банк Тошкент шаҳар

ИНН:207330054, МФО:00014,

##### “ПУДРАТЧИ”

###### АШРАФ Х/К

Навоий вилоят Нурота туман

Тел:/факс: 93-953-52-68

x/r: 20208000800346697001

Агробанк Нурота туман филиали

ИНН:201934896 , МФО:00214

Директор  Абдулодиров

Директор  А.Асомов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№**

**1. Loyihaning turi:**

Shartnomma

**2. Loyihaning nomi:**

Pudrat shartnomasi

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

G'ozg'on shahar obodonlashtirish boshqarmasi, 09.09.2022-yil

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

**XULOSA:**

G'ozg'on shahar obodonlashtirish boshqarmasi va "Ashraf" xususiy korxonasi o'rtasida umumiyligi summasi 434 000 000 (to'rt yuz o'ttiz to'rt million) so'm bo'lgan pudrat shartnomasi loyihasi (G'ozg'on shahri, "Tumar" MFY, "Amir-Temur" ko'chasini joriy ta'mirlash) O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sun Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953-sun "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori talablariga muvofiq tuzilgan.

Taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilikka, xususan O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi" 670-I-sun Qonuni talablariga mos keladi.

Shartnomma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i**



**S.S.Safarov**  
**09.09.2022-yil**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 144979 на приобретение Фозғон шаҳар "ТУМАР" МФЙ Амир Темур кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш**

Способ проведения электронный

Дата 09.09.2022

Время рассмотрения 09.09.2022 08:53

Конкурсная комиссия Гозгон шахар Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	QODIROV MASH'AL QAHRAMONOVICH	бошлиқ	Ободонлаштириш
<b>Секретарь комиссии</b>	KAMOLOV JO'RABEK JUMANAZAROVICH	Iqtisodchi	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV ANVAR YODGOROVICH	hisobchi	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	RO'ZIYEV SAMIJON SOLIYEVICH	ish boshqaruvchi	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	BOBONAZAROV MO'MINJON ISTAMOVICH	yo'l bo'limi nazoratchisi	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	RAMAZONOV FARRUX FARMONOVICH	haydovchi	Obodonlashtirish

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.09.2022 года № лота 144979.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Фозғон шаҳар "ТУМАР" МФЙ Амир Темур кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	434 839 806.00
Стартовая сумма	434 839 806.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Пудрат ташкилотининг ишчилари, маълумоти тўғрисида маълумот, буйруқ ва диплом нусхалари.

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудрат ташкилотининг ишчилари, маълумоти тўғрисида маълумот, буйруқ ва диплом нусхалари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	20	20	20	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI	20	20	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TARAQQIYOTI						

Критерий №2 Банк ва соликдан карзи йуклиги түғрисида маълумот, кайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги түғрисида маълумот, хозирги кундаги молиявий холати түғрисида маълумот.Ўз балансида асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги түғрисида маълумот, тегишли ташкилотлардан маълумотлар олиниб юкланиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва соликдан карзи йуклиги түғрисида маълумот, кайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги түғрисида маълумот, хозирги кундаги молиявий холати түғрисида маълумот.Ўз балансида асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги түғрисида маълумот, тегишли ташкилотлардан маълумотлар олиниб юкланиши лозим.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	30	30	30	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	30	30	28	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилот низоми, руйхатдан ўтказилганлиги тугрисида гувохнома нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми, руйхатдан ўтказилганлиги тугрисида гувохнома нусхаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	10	10	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	10	10	10	Экспертная		

Критерий №4 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги түғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги түғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	10	10	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	10	10	10	Экспертная		

Критерий №5 Курилиш вазирлиги маҳсус ахборот порталида рейтинги мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш вазирлиги маҳсус ахборот порталида рейтинги мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	10	10	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	10	10	10	Экспертная		

Критерий №6 Пудрат ташкилотида мавжуд машина механизмлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудрат ташкилотида мавжуд машина механизмлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	20	20	20	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	20	20	19	Экспертная		

Критерий №7 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, Коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, Коррупцияга оид хукуқбузарликларга йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	20	20	20	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	20	20	20	Экспертная		

Критерий №8 Пудрат ташкилотининг 2022 йил давомида бажарган ишлари тўғрисида маълумот Шартнома ва форма-3 нусхалари.Бажарилган ишларнинг сонига ва ҳажмига қараб бал берилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудрат ташкилотининг 2022 йил давомида бажарган ишлари тўғрисида маълумот Шартнома ва форма-3 нусхалари.Бажарилган ишларнинг сонига ва ҳажмига қараб бал берилади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	20	20	20	Экспертная		
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	20	20	19	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"ASHRAF" xususiy korxonasi	434 839 806.00	434 000 000.00 UZS	434 000 000.00	00.00	434 000 000.00	30.08.2022 21:32:32	10.00
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	434 839 806.00	434 839 800.00 UZS	434 839 800.00	00.00	434 839 800.00	07.09.2022 21:15:10	09.98

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"ASHRAF" xususiy korxonasi	90	10	100
ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI	86.7861	9.98069	96.76679

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 144979 от 09.09.2022 года на приобретение Фозфон шаҳар "ТУМАР" МФЙ Амир Темур кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш определила победителем:

"ASHRAF" xususiy korxonasi  
201934896

и резервный исполнитель: ООО AZIZBEK NURLI TARAQQIYOTI (304197930)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	QODIROV MASH'AL QAHRAMONOVICH	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV ANVAR YODGOROVICH	Согласен	
Член комиссии	RO'ZIYEV SAMIJON SOLIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBONAZAROV MO'MINJON ISTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	RAMAZONOV FARRUX FARMONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП